

Миллий мафкура ва экологик маънавият

Миллий маънавиятимизнинг қон томирига сингиб кетган ва асрлар оша маънавиятимизнинг такомил босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиздаги табиатга бўлган эҳтиром беқиёсдир. Юртимизда табиатни эъзозлаш инъикоси инсоният тарихи қадар кўхнадир. Умуман, табиатга бўлган муносабат, уни англаб етишга бўлган интилиш Шарқ халқларида ва айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Табиатга бўлган муносабат халқимиз маънавий юксаклигининг ажралмас қисмига айланган. Мана шундай эҳтиромни эзгу анъаналаримизда, урф-одатларимизда ҳам кўриш мумкин.

Табиат ҳодисаларининг такомиллашиб, эволюцион тарзда ривожланиб боришидаги тушунча ва таълимотлар, инсон билан табиат ўртасидаги боғлиқлик. Абу Наср Форобий, Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Абдуллоҳ Жайхоний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Амир Темур, Алишер Навоий каби давлат арбоблари эса бутун умр ободончилик, суғориш ишлари, боғ-роғлар барпо этиш билан шуғулланганлар.

Табиатга бўлган эҳтиром ва унинг сирларини англаб етишга интилиш буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий дурдоналарида намоён бўлганлиги ва бу жаҳон илмига беқиёс ҳисса қўшганлиги ҳақида жуда кўп ва хўп гапириш мумкин. Масалан, Хоразмий ўзининг "Китоб сурат ул-арз" номли асарида 637 та ноёб табиий жойлар, 209 та тоғнинг географик тафсилотини берган, денгизлар, дарёлар ва океанлар ҳавзаси шаклини, уларда жойлашган оролларнинг муҳим координатларини баён этган. Абу Райхон Беруний ўзининг "Минералогия" асарида ўша даврнинг етук олими ва давлат арбоби бўлмиш Жайхоний таърифлаган минераллар ҳақидаги маълумотлардан кенг фойдаланган ва уларнинг моҳиятига юксак баҳо берган.

Беруний ўзининг "Сайдана" асарида эса 1116 турдаги дориворни, шундан 750 ўсимлик ва 101 та ҳайвонни батафсил таърифлайди. Буюк юртдошимизнинг илмий даҳоси ҳам шундаки, у ўзининг илмий-назарий тадқиқотлари, тажрибаларида табиатдаги барча ҳодисалар муайян табиий қонуният асосида юз беради, ташқи кучнинг таъсири уни издан чиқариши мумкин, деган хулосага келади.

Берунийнинг табиий ва сунъий танлаш ҳақидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу орадан 900 йил ўтгач, машҳур инглиз олими Чарльз Дарвин томонидан асосланган эволюцион таълимотнинг башорати

эканлиги жаҳон цивилизациясининг илдизи айнан замонавий Ўзбекистон худудида томир отганидан ёрқин далолатдир.

Ўша вақтларда илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар мажмуаси ҳисобланган "Ҳиндистон дорилари ва доривор ўсимликлари", "Наботот деҳқончилиги ҳақида" каби китоблар Форобийнинг ҳам етук олим эканидан далолат беради. Унинг табиатшуносликка доир "Инсон аъзолари ҳақида рисола", "Ҳайвон аъзолари ҳақида сўз" каби асарлари алоҳида аҳамиятга эга. Форобий Оврупа олимларидан 1000 йил аввал физиология фанига илмий асос солганлигининг ўзи ҳам жаҳон илм-фани тараққиёти бешигини кимлар тебратганини исботлаб турибди.

Умуман, Туронзамин дунё миқёсида илк суғориладиган деҳқончиликнинг ватани сифатида машҳур. Ўлкамизда қадимдан суғорма деҳқончилик қилиб келинган, ирригация ва мелиорация соҳасида бой тажриба тўпланган. Маълумки, Сўғдиёна, Парфия, Бақтрия, Кушон сўнг Қорахонийлар, Темурийлар ва кейинчалик шу ҳудудда бошқа давлатларнинг пайдо бўлишида, сиёсий, иқтисодий, маданий ривожланишида ҳам суғориш ишларининг тутган ўрни, сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласи алоҳида ажралиб туради. Давлат бошқарувида миробликка алоҳида ўрин берилганлиги, миробларга давлат арбоби сифатида муносабатда бўлингани ҳам фикримизнинг исботидир.

Соҳибқирон Амир Темур ҳислатларининг яна бир қирраси шундаки, у ҳар доим мамлакатда биринчи навбатда ободончилик ишларига алоҳида эътибор берган. "Темур тузуклари"да айтилишича, Соҳибқирон кўрик ва бўз ерларни ўзлаштирганларни рағбатлантирган. Тузукдаги қаровсиз ерларни обод қилишга, уларни ҳосилдор ерларга айлантириш ҳақидаги кўрсатмалар ҳам диққатга сазовордир. Яна айтилишича, "Ҳароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса (яъни давлат ерларини бошқарувчи маҳкама) тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлсаю, обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, ҳаро бўлиб ётган ерларда саризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тuzатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига кўприклар солсинлар, йўл устида, ҳар бир манзилгоҳга работлар қурсинлар".

Ҳозирги даврга келиб экологик муаммолар инсоният олдида турган энг асосий масалалардан бири бўлиб қолди. Бугунги кунда экологик муаммоларни ҳал этиш ва экологик хавфни бартараф қилиш қанчалар муҳимлигини Президентимиз Ислом Каримов ўзининг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида батафсил ёритиб берганлигини алоҳида қайд этмоқ жоиздир.

Замонавий экология бундан 140 йил аввал немис олими Э.Геккел таърифлаб берган "Экология" тушунчасидан тубдан фарқ қилади. Э.Геккелнинг фикрича, ҳар қандай организмнинг тадрижий

ривожланишига фақат вужуд ичида кечадиган соф биологик, биофизик, биохимик ва бошқа жараёнлар таъсир этибгина қолмай, унинг тараққиётига ташқи муҳит ҳам фаол таъсир қилади.

Бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал фанларни қамраб олган кўп қиррали фандир. Экология инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни, таъсирни ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва истиқболни белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуи ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда экологик муаммоларни ҳал этиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда бой миллий анъаларимиздан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, экология фанига оид тадқиқотлар кўп йўналишлар бўйича олиб борилган бўлса-да, бироқ халқимизнинг экологик маданияти, миллий экологик анъаналар ханузгача чуқур ўрганилмай келинмоқда. Шу боис миллий маънавиятимизнинг салоҳиятини акс эттирувчи ва ажралмас бир қисми бўлмиш табиатни ва унинг саҳоватини қадрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқимиздаги миллий маданият, билим, анъана, тажриба ва меросларни бир тизимга келтириб, таҳлил қилиб, мустақил мамлакатимиз олдида турган долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш ҳеч қачон фойдадан ҳоли бўлмайди. Аксинча, келажак авлодга озод ва обод Ватанни, мусаффо табиатни, ноёб табиий бойликларни аслидек асраб, мерос қилиб қолдиришдек эзгу ишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Миллий маънавиятимизнинг серқирра ва теран илдизларига таянган ҳолда мафкуравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқишда экологик мафкура, таълим ва тарбия тизимини яратиш алоҳида ўрин тутиши лозим. Бу борадаги саъй-ҳаракатларга эса Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган ва ҳеч муболағасиз ой сайин, кун сайин фаолият кўламини кенгайтириб бораётган Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилади. Чунки, Экоҳаракатнинг мақсад ва вазифалари халқимизнинг асрлар оша синовларда тобланган эзгу қадриятлари билан ҳамоханки, бу мақсад ва вазифаларни адо этишда ҳам давлат, ҳам жамият ва ҳар бир фуқаронинг иштирок этиши кафолатланибгина қолмай, уларнинг ташаббуслари кенг қўллаб-қувватланади.

Борий АЛИХОНОВ,
Ўзбекистон Экологик ҳаракати
Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

“Milliy tiklanish” газетаси, 7 апрель 2010 йил, 14-сон